

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2020 йил 9 октябрь • № 38 (1319)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, соҳага илғор ва рақамли технологиялар ҳамда сифат менежментини жорий этиш, тиббиёт муассасалари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига соғлиқни сақлаш вазирининг:

тиббий ёрдамни ташкиллаштиришга;

ихтисослашган тиббий хизмат ва янги технологияларни жорий этишга;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда репродуктив саломатликни таъминлашга;

стратегик ва рақамли тиббиётни ривожлантиришга;

молия, инвестиция ва моддий таъминотга масъул ўринбосар лавозимлари киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳрида жойлашган барча давлат тиббиёт муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларда замонавий профилактика, диагностика ва даволаш услубларини жорий қилиш, халқаро стандартлардан қолишмайдиган тиббиёт инфратузилмасини яратиш мақсадида соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари – Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи лавозими киритилсин.

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори лавозими тугатилсин.

4. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг тузил-

маси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари намунавий тузилмалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаси 3 – 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилмаган Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 139 нафар, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларининг чекланган сони – 423 нафар этиб белгилансин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, мазкур банд билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тузилмаларига қўшимча равишда киритиладиган штат бирликларини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва

вилоятлар ҳокимлари билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳудудий болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари бош шифокорлари, ҳудудий тиббий диагностика марказлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

6. Бош вазир ўринбосари Б.А. Мусаев бир ой муддатда:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимига киритилаётган ўзгаришлардан келиб чиқиб, унинг таркибий бўлини раҳбар ва ходимлари таркибини қайта кўриб чиқсин ва уларни профессионал билим даражасига эга бўлган, малакали ходимлардан шакллантириш чорасини кўрсин;

б) Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига:

республика ҳудудларида аҳолининг сони ва касалликлар учраши таҳлиллари асосида тиббиёт муассасаларини барпо этиш;

тиббиёт ташкилотларини лойиҳалаштириш, қуриш, жиҳозлаш ишларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш тизимида бизнес жараёнлар таҳлили ва ИТ-реинжинирингини ривожлантириш;

тиббиёт муассасалари молиявий барқарорлигига қўмаклашиш

ҳамда тиббий туризмни ривожлантиришни ташкил этишга йўналтирилган Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни лойиҳалаштириш ва рақамлаштириш марказини тузиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин.

Бунда, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасини ўзини ўзи бошқариш ташкилотига айлантириш ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақлаш кўзда тутилсин.

7. Белгилансинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларига 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги микдорда кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициенти инобатга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 1 йилдан 3 йилгача – 0,3, 3 йилдан 5 йилгача – 0,6, 5 йилдан 10 йилгача – 0,8, 10 йилдан 15 йилгача – 1,0, 15 йилдан 20 йилгача – 1,2, 20 йилдан юқори – 1,5. Бунда, кўп йиллик ишлаганлик учун устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланмаган тартиб асосида амалга оширилади;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппарати ва соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари ходимларига кўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўлаш билан боғлиқ харажатлар Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, шу жумладан унинг ҳудудий бўлинмаларининг штат бирликларини

мақбуллаштириш ҳисобига шаклландирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда аҳолига кенг қўламда бирламчи тиббий-санитария ёрдамни кўрсатиш, тиббий профилактика ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом овқатланиш, соғлиқни сақлаш соҳасида молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ва бозор механизмларини кенгайтириш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги: бир ой муддатда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А. А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 2 октябрь,
ПҚ-4847-сон

Ш. МИРЗИЁЕВ



ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ФАОЛ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН «РЕКТОР СТИПЕНДИЯСИ» ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Самарқанд давлат тиббиёт институти фаол талабалари учун «Ректор стипендияси» жорий этилди.

Мазкур олий таълим муассасаси матбуот хизматининг маълум қилишича, жорий йил 2 октябрь куни бўлиб ўтган институт илмий кенгашида талабаларнинг яхши ўқишига қўмаклашиш ва муносиб рағбатлантириш мақсадида «Ректор стипендияси» жорий этилганлиги маълум қилинган. Қайд этилишича, институтда шунингдек, ўз устида ишлайдиган, ташаббускор педагоглар учун ҳам рағбатлантириш жорий этилди. Унга мувофиқ, илмий изланувчи педагогларнинг «Скопус» тизимидаги халқаро журналларда чоп қилинган ҳар бир мақоласи учун 3 миллион сўм қалам ҳаққи берилди.

ЎЗА.

Обуна – 2021

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2021 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.


Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгилликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси




Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган бошқарув ходимларининг чекланган сони – 139 нафар.

* Марказий аппаратнинг умумий штатлари сонига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 3-ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмаси




Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 31 нафар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 4-ИЛОВА


Вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларининг намунавий тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 26 – 32 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 5-ИЛОВА

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони – 32 нафар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон қарорига 6-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига қиритилаётган ўзгаришлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги “Шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2838-сон қарорига:

а) 1-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
“1. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаси аппарати тузилмасида бошқарма раҳбарининг ўринбосари – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг директори лавозими жорий этилсин”;

б) 2-иловадаги “Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари – Бош директор” сўзлари “Бош директор” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Давлат тиббиёт муассасалари ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4007-сон қарорининг 6-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

“6. Белгиланган куйидаги тахрирда баён этилсин:
а) Жамғарманинг маблағларидан:

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини муқофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақлар, устамалар ва рағбатлантирувчи тўловларнинг бошқа турлари тарзида моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларни молиялаштириш, шунингдек, уларга санаторий-курорт ва тиббий хизмат кўрсатилишига ҳақ тўлаш;

уй-жой билан таъминлашни яхшилашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимлари ва ташкилотлари тиббиёт ходимлари учун уй-жойлар қуришни ташкил этиш орқали молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ходимларини ўқитиш, уларнинг маънавиятини ошириш ва амалиёт ўтказишни ташкил этиш, шу жумладан хорижий мамлакатларга ташрифларини, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этишини, хизмат

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИСОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

сафарига юборилишини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, дастурий маҳсулотлар харид қилиш ва ахборот-коммуникация тармоқларини сақлаб туриш;

хорижий экспертлар ва консалтинг ташкилотларини жалб қилиш;

олий тиббиёт таълим муассасаларининг иқтидорли талабаларига махсус стипендиялар тўлашга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш;

соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг кадрлар салоҳиятини мустақамлашга қаратилган бошқа тадбирлар учун фойдаланилади;

б) Қорақалпоғистон Респуб-

(Давоми. Боши
1-, 2-бетларда).

ликаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли давлат тиббиёт муассасалари томонидан пулли асосда кўрсатилган тиббий хизматлари учун тушумлар миқдоридан Жамғармага ажратиладиган маблағларнинг 37,5 фоизи тегишлиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамга йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлардан мазкур банднинг "а" кичик бандида белгиланган тадбирлар учун фойдаланилади".

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ПҚ-4055-сон қарорида:

а) 3-банднинг "б" кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"б) Вазирлик тузилмасида Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ҳамда давлат унитар корхонаси шаклида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказини (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этиш";

б) 4-банднинг "а" кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"а) Марказ директори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади";

в) 6-банднинг "а" кичик банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"а) Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармасининг асосий вазифалари этиб:

вазирлик ва унинг ҳудудий органлари таркибий бўлинмала-

ри билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

тиббиёт ташкилотларининг мол-мулкани, шу жумладан ер участкаларини муомалага киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш, давлат-хусусий шериклик асосида инвестицияларни жалб этиш";

г) 7-банд ва 1 – 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

д) 8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги ПҚ-4685-сон қарорининг 1-банди куйидаги тахрирда баён этилсин:

"1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига

кўшимча Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи лавозими киритилсин".

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4790-сон қарорида:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошисидagi "биринчи" сўзи чиқариб ташлансин;

б) 3-илованинг 13-банди биринчи хатбошисидagi "биринчи" сўзи чиқариб ташлансин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2020 й., 07/20/4847/1347-сон)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИГА
АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАРNING САМАРАДОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт ходимлари зиммасига тушган юқори иш юкласини юмшатиш ҳамда маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш стандартлари янгидан кўриб чиқиб тасдиқланганлиги ва бунда беморларнинг даволашида бўлиш мuddати 10 кундан 7 кунгача қисқартирилганлиги;

б) 2020 йил 20 августдан бошлаб:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар жойлашган муассасаларда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораториялари ходимлари иш фаолиятини ташкил қилиш амалдаги 14 кунлик "вахта" усулидан белгиланган санитария ва гигиена қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда кунлик тарзда келиб-кейтиш тизимига ўтказилганлиги; коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни кечаю кундуз танаффуссиз даволашга ихтисослашган тиббиёт ташкилотларида, жумладан, интенсив палаталар ва реанимация бўлимларида графика асосида кечки ва тунги вақтларда врачлар навбатчилик қилиши орқали тиббий ёрдам узлуксиз кўрсатиши йўлга қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, 2020 йил 20 августдан эътиборан:

врачларга 25 миллион сўм, бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига 15 миллион сўм, провизор-фармацевт ходимларга 10 миллион сўм, дизайнер ва кичик тиббиёт ходимларига 8 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм миқдорида махсус рағбатлантириш тўловлари (даромад солиғидан ташқари) кунлик тарзда ишлаш шароитига ўтказилган ҳолда ҳар 30 кунлик давр учун кунига 8 соатдан кам бўлмаган иш юкласини инобатга олган ҳолда бир ойда бир маротаба тўланади;

махсус рағбатлантириш тўловлари тўланадиган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўлов амалга оширилмайди; ходимларга пул маблағлари банк карталарига ўтказиш орқали амалга оширилади.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида" 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан белгиланган тартиб доирасида анестезиолог-реаниматолог врачларига махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари 1,2 коэффицентга оширилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

3. Куйидагилар:

Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиб-

биёт, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимлари ва бошқа ходимларга 6 фоизлик кунлик қўшимча тўлов амалга ошириладиган лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ;

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимлари ва бошқа ходимларга 6 фоизлик кунлик қўшимча тўлов ўрнига ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловлари амалга ошириладиган лавозимлар рўйхати 2а-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда бир ҳафта мuddатда вақтинчалик карантинда сақланаётган шахслар ва коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар учун кунлик овқатланиш меъёрларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига етказсин.

5. Коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган тиббиёт муассасалари, вақтинчалик шифоналар, провизор муассасалари, бўлимлари ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни кечаю кундуз танаффуссиз даволашга

ихтисослашган тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларини заруратга кўра ётоқхона билан таъминлаш ва кунлик овқатланиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг "Коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида аҳолини тез тиббий ёрдам хизмати билан кенг қамраб олиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 20 июлдаги 446-сон қарорига асосан ташкил этиладиган ихчамлаштирилган мобил тез тиббий ёрдам бригадаларининг вақтинчалик меъёрлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика бўйича коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар, беморларни қабул қилиш ва чиқиш қайдномаси, товар-моддий бойликларнинг ҳаракати ҳамда шифоналар бўйича бошқа тахлилий маълумотлар шаффофлигини таъминлаш мақсадида бир ҳафта мuddатда реал вақт режимида ишлайдиган "Bemog.ssv.uz" электрон назорат дастурини ишга туширсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тиббиёт ва санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларига ҳар кунлик қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўлашни узлуксизлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир коронавирус инфекциясини даволаш ва карантин муассасаси ҳамда сани-

тария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳудудий бошқармалари ва бўлимларига, уларнинг молиявий таъминоти бўйича бўйсинувидан келиб чиқиб молия, давлат молиявий назорати, газначилик ва соғлиқни сақлаш органлари ходимларини бириктирсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати ҳудудий бошқармалари коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, шу жумладан, жалб қилинган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларининг тўғри ва тўлиқ тўлалиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

11. Вазирлар Маҳкамасинининг "Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 4 августдаги 461-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги Ж. А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б. А. Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Тошкент шаҳри,
2020 йил 24 сентябрь,
583-сон

А. АРИПОВ

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИГА
АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАРNING САМАРАДОРЛИгини
ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш
объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш
лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус
рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан мулоқотга киришадиган, беморлар жойлаштирилган тиббиёт муассасалари, вақтинчалик шифохоналар ҳамда коронавирус инфекциясини тасдиқланмаган аммо барча клиник белгилари мавжуд, шифохонага ётқизиш талаб қилинадиган беморлар учун шошилиш тиббий ёрдам кўрсатувчи провизор тиббиёт муассасаларида ва бўлимларида (кейинги ўринларда – стационар тиббиёт муассасалари) ва коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида (кейинги ўринларда – лабораториялар) фаолият олиб бораётган ходимларга махсус қўшимча рағбатлантириш тўловини (кейинги ўринларда – махсус тўлов) амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ходимларга махсус тўлов (жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғи билан бирга), шунингдек, улардан тўланадиган ижтимоий солиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан (кейин ўринларда – Инқирозга қарши курашиш жамғармаси) ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Махсус тўлов учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга алоҳида шахсий газна ҳисобварақлари очилади.

4. Ходимларга иш ҳажмидан келиб чиқиб, кунбай ишлаш шароитига ўтказилган ҳолда ҳар 30 кунлик давр учун иш юкмасини инobatга олган ҳолда ҳар ойлик иш фаолияти якуни бўйича қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус тўлов белгиланади:

врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 миллион сўм;
бошқарув ва ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 миллион сўм;
провизор-фармацевт ходимларга – 10 миллион сўм;
дизенфектор ва кичик тиббиёт ходимларига – 8 миллион сўм;
бошқа ходимларга – 5 миллион сўм.
Бошқа ходимлар таркибига жалб этилган ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар киради.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан белгиланган тартиб доирасида анестезиолог-реаниматолог врачларига махсус қўшимча рағбатлантириш тўловлари 1,2 коэффициентга оширилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади.

2-боб. Махсус тўловларни амалга ошириш тартиби

6. Махсус тўлов тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга, шу жумладан, қисқа муддатга жалб этилган тор йўналишдаги тиббиёт мутахассисларига кунлик келиб-кейтиш иш режимида ўтказилган ҳолда ҳақиқатда ишланган иш ҳажми учун 30 кунлик давр учун тўланади.

240 соатлик иш юкмасини тўлиқ бажарган ходимларга ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган миқдорларда махсус тўловлар тўланади.

Агар ходим томонидан 30 кун давомида бажарилган иш ҳажми белгиланган иш юклама меъеридан кам ёки кўп бўлган тақдирда, махсус тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш соатларига нисбатан мутаносиб равишда тўланади.

7. Лабораторияларда фаолият олиб бораётган ходимларга махсус тўловлар республика даражасидаги лабораториялар, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари лабораториялари, даволаш муассасалари лабораториялари ҳамда ОИТС марказлари лабораториялари учун юқори турувчи соғлиқни сақлаш органи раҳбарларининг буйруқлари асосида жалб этилган шахсларга тўланади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, унинг ҳудудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари ушбу низомга иловага мувофиқ меъёрга, эпидемиологик ҳолатга асосан ходимларни лабораторияларга жалб этади.

Махсус тўловлар миқдори ҳар 30 кунлик давр учун ҳар ойлик иш юкмасини инobatга олган ҳолда ушбу лабораторияда ҳақиқатда шу даврда ўтказилган тест синовлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозим бўлган ходимлар сонига мутаносиб равишда аниқланади.

8. Стационар тиббиёт муассасалари ҳамда лабораторияларга жалб қилинган ходимларга махсус тўловлар:

ходим жорий йилнинг 20 август кунигача фаолият юритган бўлса, унинг 14 кунлик фаолияти якуни бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бунда 14 кунлик фаолияти якунига қадар амалда бўлган шартлар сақлаб қолинади;
ходим жорий йилнинг 20 август кунидан кейин жалб қилинган бўлса, 30 кунлик давр учун ҳар ой якуни бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

9. Стационар тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга махсус тўловлар ушбу объектларда ҳақиқий ишланган даври учун тўланади. Бунда беморлар бўлмаган даврда вақтинча фаолият юритмаган давр учун махсус тўловлар тўланмайди. Беморлар сони белгиланган меъёрлар бўйича назарда тутилган ўринлар сонига нисбатан кескин камайган тақдирда, даволашга жалб этилган ходимлар сони тегишли равишда камайтиради.

10. Коронавирус инфекцияси билан вафот этган ёки ушбу инфекцияга гумон қилинган марҳумлар жасадини кафанлаш ва дафн этиш гуруҳи юқори турувчи тегишли ташкилот буйруғи асосида ташкил этилади.

Коронавирус инфекциясидан вафот этган шахсларни паталоганатомик текширувдан ўтказиш, марҳумлар жасадини кафанлаш ва дафн этиш учун жалб қилинадиган ходимларга 30 кунлик иш даври учун ушбу низомнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган миқдорларда махсус тўловлар тўланади.

Бунда паталоганатомик хизматининг 1 нафардан врач-паталоганатомии, санитарии, санитар-фарроши, мурда ташувчи бригада санитарии ва унинг ҳайдовчиси ҳамда дезинфекторлардан иборат гуруҳ (жами 6 нафар) тузилади.

11. Стационар тиббиёт муассасалари ва лабораторияларга жалб этиладиган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар асосий иш жойининг раҳбари (ёки масъул шахси) сафарбар қилиниши ҳақидаги буйруғи билан бирга паспорт нусхаси,

солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағи (ШЖБПХ) рақами ҳақидаги маълумотларни стационар тиббиёт муассасаси ёки лабораторияси мавжуд бўлган муассасага тақдим этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёки ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқарув органи стационар тиббиёт муассасаси ва лабораторияларга жалб этиладиган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг рўйхатини (захирасини) шакллантириб боради.

12. Стационар тиббиёт муассасаси бухгалтерии бошқа муассасалардан жалб қилинган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган “УзАСБО” дастурий мажмуига киритади ҳамда уларга махсус тўловларни тўлаш учун тегишли бухгалтерия ҳисоб-китобларини амалга оширади, тўлов қайдномаларини шакллантиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тегишли бўлинига сўровнома юборади.

13. Стационар тиббиёт муассасалари ва лабораториялар томонидан махсус тўловни тўлаш учун ҳисобварағида етишмайдиган маблағ бўйича қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида асосланган ҳисоб-китоблар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий бошқарув органларига (кейинги ўринларда – Молия бошқармалари) тўловларни амалга оширишдан камида бир ҳафта олдин буюртманом тақдим қилади.

14. Молия бошқармалари асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ икки кун муддатда зарур қўшимча маблағларни тегишли муассаса шахсий газна ҳисобварағига ажратади.

15. Молия бошқармалари махсус тўловларни тўлиқ ажратиш учун шахсий газна ҳисобварағида маблағлар етишмовчилиги мавжуд бўлганда, асосланган ҳисоб-китоблар билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қўшимча маблағ ажратиш тўғрисида мурожаат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, бир кун муддатда зарур маблағларни молия бошқармаларининг шахсий газна ҳисобварағига ажратади.

16. Стационар тиббиёт муассасалари ва лабораторияларнинг кадрлар бўлими ёки кадрлар ҳисобини юритиш вазифаси юклатилган ходим томонидан тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг ишлаган соатлари кўрсатилган ҳолда иш кунини ҳисоблаш табели шакллантирилади ҳамда муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

Муассаса ҳисобхонаси томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган “УзАСБО” дастурий мажмуада кунлик табелга асосан ҳар ойнинг ўн бешинчи ва охириги кунда махсус тўловлар ҳисобланади ва сўровнома шакллантирилади.

3-боб. Якунловчи қоидалар

17. Ушбу Низом талаблари республикада коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирлари расман тўхтатиладиган ой якунига қадар амал қилади.

18. Ушбу Низомда назарда тутилган махсус тўловни олиш учун ходимлар ва ташкилотлар рўйхатлари тўғри шакллантирилиши, тегишли маълумот ва ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги, шунингдек, ажратилган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан шахсий жавобгарлик тиббиёт муассасалари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари зиммасига юкланади.

19. Тиббиёт муассасасига бириктирилган молия ходимлари бошқа муассасалардан жалб қилинган ходимларнинг маълумотларини аниқлашда, уларни бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган “УзАСБО” дастурий мажмуага киритишга, зарур ҳолларда махсус тўловларни ҳисоблашда кўмаклашади.

20. Ушбу Низомда назарда тутилган махсус тўловлар тўғри, тўлиқ ва узлуксиз амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат департаментига юкланади.

21. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш
объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш
лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус
рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА**

**Махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш бўйича
коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларига жалб
қилинадиган ходимлар сони
МЕЪЁРЛАРИ**

Т/р	Мутахассислар сони	Намуналар сони				
		100 тагача таҳлил	100 тадан 250 тагача таҳлил	250 тадан 500 тагача таҳлил	500 тадан 800 тагача таҳлил	Кейинги ҳар 300 та таҳлилга
Намуналарни олиш гуруҳи						
1.	Лаборант	0,5	1	2	4	1
2.	Ҳайдовчи*	0,5	1	1	1	–
ПЗР лабораториялари						
1.	Врач-лаборант	0,5	1	2	3	1
2.	Лаборант	0,5	1	2	3	1
3.	Санитарка**					
Рўйхатга олиш гуруҳи						
1.	Лаборатория раҳбари	–	0,5	1	1	–
2.	Тиббий рўйхатчи	–	1	1	2	–

Изоҳ. Намуналар сони меъёри 1 суткада ҳисобланади.

* бошқа муассасалардан намуналарни ташиш учун махсус автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда.

** 12 соатлик иш вақти учун ПЗР тест таҳлилини ўтказиётган хона учун 1 та лавозим.

Масалан, коронавирус инфекциясини аниқлайдиган лабораторияга таҳлил ва намуналарни олувчи лаборант жалб қилинган. Унинг кунлик иш ҳажми 250 та ва 30 кунга 7 500 та таҳлилни олишдан иборат. Бу ходим белгиланган нормани тўлиқ бажариши билан юқорида кўрсатилган 15 миллион сўм махсус тўловни олади. Агар ходим белгиланган 30 кун давомида камроқ ҳажмда иш бажарса, бажарган иш ҳажмига мутаносиб равишда махсус мукофот олади, яъни 30 кун давомида 3750 та намуна олса, унга махсус мукофотнинг 50 фоизи ёки 7 миллион 500 минг сўм тўланади.

(Давоми. Боши 3-бетда).

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ
ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ ТАДБИРЛАРИГА
АЖРАТИЛАЁТГАН МАБЛАҒЛАРNING САМАРАДОРЛИгини
ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарорига
2-ИЛОВА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимларига ва бошқа ходимларга 6 фоизлик кунлик қўшимча тўлов амалга ошириладиган лавозимлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Муассасалар номи	Лавозимлар номи
1.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Тиббиёт бош бошқармаси ташкилотлари	Коронавирус инфекциясига гумон қилинган ва улар билан мулоқотда бўлган шахслар ўртасида эпидемиологик суриштирув ишлари ва стационар карантинларга жойлаштириш билан шуғулланаётган, шунингдек, эпидемияга қарши курашаётган эпидемиолог врачлар, паразитологлар, инфекционист, вирусолог, бактериолог, дезинфекционист врачлар, эпидемиолог ёрдамчилари, дезинфекторлар, ўрта тиббиёт ходимлари ва санитаркалар, махсус объектларда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларини амалга оширувчи махсус интенсив-терапия бригадалари, уйда даволашга жалб қилинган мобил бригадаларнинг ходимлари
2.	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати тизими муассасалари	Коронавирус инфекциясини юқтирганлар билан мулоқотда бўлган ходимлар (мутахассислар), эпидемиологик нохуш давлатлардан келган шахслар изоляция қилинган муассасалар ва чегара постларида назорат олиб борган инспекторлар (мутахассислар), уй шароитида карантин тартибига риоя этилишида иштирок этган ходимлар (мутахассислар), коронавирус инфекциясига қарши кураш тадбирларига жалб қилинган эпидемиолог врачлар, санитария врачлари, паразитологлар, дезинфекционист врачлар, дезинфекторлар, энтомологлар, уларнинг ёрдамчилари ва бошқа ходимлар
3.	Коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан мулоқотда бўлган, касалликка гумон қилинган шахсларни вақтинчалик сақлаш учун ташкил этилган карантин муассасалари	Иш фаолиятига белгиланган тартибда жалб қилинган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар
4.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизматлари таркибидagi санитария-эпидемиология хизмати	Вазирликлар ва идораларнинг буйруқларига асосан коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирларига жалб этилган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар

Изоҳ.

Махсус рағбатлантириш тўловларини оладиган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга 6 фоизли кунлик қўшимча тўловлар амалга оширилмайди.

Ушбу рўйхатга Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

(Давоми. Боши 3-, 4-бетларда).

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарорига
2а-ИЛОВА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимларига ва бошқа ходимларга 6 фоизлик кунлик қўшимча тўлови ўрнига ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловлари амалга ошириладиган лавозимлар
РЎЙХАТИ

Т/р	Муассасалар номи	Рағбатлантириш миқдорлари
1.	Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга ихтисослашган махсус поликлиникалар	Врач (2,5 млн сўм), ўрта тиббиёт ходими (1,5 млн сўм), кичик тиббиёт ходими (1,0 млн сўм), бошқа ходимлар (0,5 млн сўм)
2.	Тез тиббий ёрдам бригадалари	Врач (2,5 млн сўм), ўрта тиббиёт ходими (1,5 млн сўм), ҳайдовчилар (1,0 млн сўм)

Изоҳ. Ҳар ойлик моддий рағбатлантириш тўловлари тез тиббий ёрдам бригадаларида фаолият кўрсатиб келаётган тиббиёт ходимлари ва ҳайдовчиларнинг бир штат бирлиги (ставка) ҳисобидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бунда агар ходим бир ставкадан кам ишлаётган бўлса, унга қўшимча моддий рағбатлантириш тўловлари ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ихчамлаштирилган мобил тез тиббий ёрдам бригадалари ташкил этишнинг вақтинчалик
МЕЪЁРЛАРИ

Т/р	Худудлар	Меъёр
1.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда туман ва шаҳарлар марказларида	Суткалик 16 та чақириқдан ошганда – ҳар 16 та чақириққа
2.	Туман (шаҳар)лардаги олис ва чекка ҳамда аҳоли тарқоқ бўлган худудларда	Суткалик 12 та чақириқдан ошганда – ҳар 12 та чақириққа
3.	Тошкент шаҳри ҳудудида	Суткалик 14 та чақириқдан ошганда – ҳар 14 та чақириққа

Изоҳ.

Ихчамлаштирилган мобил тез тиббий ёрдам бригадалари сонини қўпайтириш ёки камайтириш ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳар бир туман ёки шаҳардаги эпидемиологик вазиятдан чақирувлар сони ва мавжуд ресурслардан келиб чиқиб белгиланади.

Ихчамлаштирилган мобил тез тиббий ёрдам бригадаларига туну кун навбатчилик учун бир нафар тиббиёт ходими (врач ёки ҳамшира-фельдшер) лавозимлари (4,75 та штат бирлигида) ва бир нафар ҳайдовчи (4,5 та штат бирлигида) ажратилади.

Чақириқлар сони тўғрисидаги маълумотлар ҳар 15 кунда қайта кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги 583-сон қарорига
4-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасинининг “Коронавирус инфекциясини юқтирган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 4 августдаги 461-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3-банднинг учинчи хатбошиси ва 6-банднинг еттинчи хатбошиси, 8-банд, 10-банднинг иккинчи хатбошиси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 6-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Молия вазирлиги билан келишган ҳолда коронавирус инфекциясини юқтирган беморлар билан мулоқотга киришадиган, беморлар жойлаштирилган объектларда (стационар даволаш муассасаларида) даволанаётган беморлар сонидан ва ходимларнинг ишлаш хусусиятидан келиб чиқиб тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг меъёрларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин”.

3. 7-банднинг “б” кичик банди биринчи хатбошисидаги “лавозим маоши” сўзлари “пул таъминоти (иш ҳақи)” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. 10-банднинг учинчи хатбошисидаги “8 ва 9-бандларида” сўзлари “9-бандида” сўзлари билан алмаштирилсин.

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2020 й., 09/20/583/1320-сон)

«СОҒЛОМ ҲАЁТ» ДАСТУРИ САРИ ЯНА БИР ЭЗГУ ҚАДАМ

2020 йилнинг 2 октябрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Covid-19 коронавирус пандемияси даврида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан тадбирларни ташкиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 256-сонли буйруғи қабул қилинди.

Буйруқнинг мазмун моҳияти шундан иборатки, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш юзасидан амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини ошириш, коронавирус касаллиги юқишида хавф груҳига мансуб бўлган аҳоли вакиллари саломатлигини назоратга олиш ва улар орасида профилактик тадбирларни жонлантиришдан иборатдир. Меъёрий ҳужжатга асосан жорий йилнинг 5 октябрдан 5 ноябрга қадар республикада “Соғлом ҳаёт” дастури амалга оширилиши кўзда тутилган. Дастурда қуй-

идаги вазифалар белгилаб олинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ташаббуси билан республикада 37 та танлаб олинган маҳаллаларда “Соғлом ҳаёт” дастури жорий қилинади. Дастурга мувофиқ маҳаллаларда: “Саломатлик майдончалари” ташкил қилиниб, унда 65 ва ундан катта ёшдаги аҳоли тор соҳа мутахассислари кўриклари, лаборатор ва инструментал текширувлардан ўтказилади;

40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли эса махсус саволнома ва текширувлардан ўтказилиб,

уларда юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларини аниқлаш бўйича скрининг тадбирлари билан қамраб олинади, ва маҳалланинг “саломатлик профили” яратилади. Бунда, аҳолининг овқатланиш характери, тана вазни индекси, жисмоний фаоллик даражаси, алкоғоли ичимлик ва тамакига қарамликнинг мавжудлиги, артериал босим, қондаги қанд миқдори ва ҳолестерин даражаси каби кўрсаткичларнинг қамраб олинишини назарда тутилади;

маҳаллаларда “Саломатлик мактаблари” ташкил қилиниб, нафақадаги зиёлилар ва ибратли оила вакиллари аъзоликка қабул қилинади. Уларга махсус ташкил қилинган семинарларда соғлом овқатланиш тамойиллари бўйича маълумотларни бериш орқали маҳаллада соғлом

овқатланиш тарғиботи бўйича кўнгилчилар жамиятлари тузилади. “Соғлом овқатланиш ярмаркалари”да эса аҳолига соғлом овқатланиш тамойиллари бўйича маълумотлар бериш ва уй бекаларини 10 турдаги салатлар тайёрлашга ўргатиш;

маҳалладаги кексаю ёшни жисмоний фаоллигини ошириш мақсадида “Эъзозли аёллар” ва “Фахрий нуруний” клубларини ташкил қилиш, улар томонидан маҳаллада эрталабки бадантарбия ва кечки сайрларни ташкиллаштириш;

амалга ошириладиган ишлар янада қизиқарли бўлиши мақсадида маҳаллада касалликлар профилактикаси, соғлом овқатланиш ва жисмоний фаолликни қўллаб-қувватловчи турли танлов ва челенжларни ўтказиш; маҳалла радиотармоғини таш-

кил қилиш ва унда маданий-маърифий маълумотларни тақдим қилиш билан бир қаторда касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзи асослари бўйича маълумотлар бериб борилади;

амалга оширилган ишларни маҳалланинг блогерлар уюшмаси томонидан махсус “Маҳаллада дув-дув гап” телеграмм канали, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилиш режалаштирилди.

Ушбу эзгу мақсадли дастурини амалга оширишда ҳаммамиз ҳамкорликда фаолият олиб боришимиз зарур деб биламан.

Барно ОДИЛОВА,
Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори.

Наше богатство

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЯЗЫК - СИМВОЛ ВСЕГО НАРОДА

Узбекистан – многонациональная страна, где в условиях равноправия и взаимопонимания сегодня живут и успешно трудятся на благо Родины представители более 130 наций и народностей.

Ряд государств, ранее входивших в Союз, в том числе и Узбекистан, пережили непростые времена в разных сферах жизнедеятельности. И, несмотря на трудности, одной из особенностей нашей страны всегда оставалось толерантное отношение узбекского народа ко всем без исключения народам проживающих в Узбекистане. Межнациональное согласие и по сей день является оплотом и залогом процветания.

Постановлением Президента Республики Узбекистан от 19 мая 2017 года “О мерах по дальнейшему развитию межнациональных отношений и дружественных связей с зарубежными странами в Узбекистане”, на основе Республиканского интернационального культурного центра и Совета обществ дружбы и культурно-просветительских связей с зарубежными странами был создан Комитет по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров.

Комитет координирует деятельность 144 национальных культурных центров, представляющих нации и народности, живущие в Узбекистане и 36 обществ дружбы с зарубежными странами.

У каждого жителя нашей страны есть свой родной язык. В народе нет большего сокровища, чем его язык. Так как именно язык – это характер народа, его память, история и духовное могущество. В нём отражаются обычаи, традиции, быт народа, его ум и опыт, красота и сила души. Ещё в детстве родной язык помогает нам познать мир, открывать для себя большой и волшебный мир жизни. Без языка не может существовать и развиваться общество, так как он помогает людям обмениваться мнениями, делиться своими чувствами, достигать взаимопонимания, создавать духовные ценности.

Как утверждают ученые, сегодня на Земном шаре существует более 7 тысяч языков. Бесспорно среди них есть языки, у которых более миллиардов представителей, и такие, на которых говорят порядка десятков представителей. Сегодня многие из нас знают как минимум 2-3 языка. Каждый язык имеет свои особенности, знание языков расширяет кругозор и помогает лучше понимать культуру разных народов. Однако родной язык – один. И наш родной язык – узбекский.

Для изучения языков других народов необходимо прежде всего знать и ценить свой родной. Человек, уважающий его, будет уважать и языки других народов. В каждом государстве есть понятие, как государственный язык, который является символом всего народа независимо от его национальной принадлежности.

21 октября 1989 года был принят Закон “О государственном языке”, в соответствии с которым узбекскому языку был придан статус государственного языка, что стало решительным шагом на пути к независимости.

За прошедшие годы в Узбекистане проведена серьезная работа в деле дальнейшего развития и совершенствования государственного языка, усиления его роли и влияния в жизни общества, превращения его в национальную ценность.

В выступлении Президента на торжественном мероприятии, посвященном 30-летию со дня придания узбекскому языку статуса государственного языка, особо подчеркивалось, что коренное повышение авторитета и значимости узбекского языка в общественной жизни народа и на международной арене имеет важное значение в воспитании подрастающего поколения в духе патриотизма, преданности национальным традициям и ценностям, осознания богатого наследия наших предков, полном внедрении государственного языка в нашей стране.

День праздника узбекского языка, прежде всего, вселяет чувство гордости проживающим в нашей стране соотечественникам и говорящим на нем жителям разных стран мира.

В Республике Узбекистан обеспечиваются условия всем гражданам для изучения государственного языка и уважительное отношение к языкам наций и народностей, проживающих на ее территории, создаются условия для развития этих языков.

В соответствии со статьей 4-ой закона “О государственном языке” обучение граждан страны государственному языку осуществляется бесплатно.

В статье 4 Конституции Республики Узбекистан отмечено, “Государственным языком Республики Узбекистан является узбекский язык”. Это свидетельствует о том, что наш родной язык, будучи одним из государственных символов, также является духовной ценностью, находящейся под защитой закона.

Наряду с этим обращено внимание на постоянное изучение фактов нарушения правил государственного языка, разработку мер по их устранению, создание равных возможностей для развития языков всех наций и национальностей, проживающих на территории Узбекистана, а также благоприятных условий для изучения ими госязыка, определение перспектив роли и авторитета государственного языка на международном уровне, разработку и широкое распространение учебников и электронных программ для соотечественников, проживающих за рубежом, иностранных граждан, изъявивших желание изучать его, организацию специальных курсов по

освоению этого предмета. Учитывая расширяющиеся гуманитарные связи с народами Центральной Азии, необходимо также активизировать и углублять взаимовыгодные академические и культурные контакты. Так, например, в 2018 году в Узбекистане широко отметили 90-летие писателя и общественного деятеля Чингиза Айтматова, а также было принято специальное постановление главы государства по изучению и пропаганде творческого наследия великого казахского поэта и мыслителя Абая Кунанбаева. В связи с этим необходимо использовать новые формы пропаганды и реализовывать совместные проекты с представителями интеллигенции Центральноазиатского региона для знакомства с узбекской культурой и литературой, наукой, языком.

Предпринятые шаги будут способствовать повышению авторитета узбекского языка в государстве и обществе. И как справедливо отметил глава нашего государства, наше отношение к государственному языку мы должны рассматривать как отношение к нашей независимости, преданность и уважение к нему – как преданность и уважение к Родине.

Народ, который хранит свой язык, всегда будет в почете. Пусть каждый из нас внесет свою лепту в развитие и сохранение родного языка, который является одним из факторов возникновения и существования нашего народа.

Валерий ТЯН
Заместитель председателя комитета по межнациональным отношениям и дружественным связям с зарубежными странами при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Видеоконференция

БОЛАЛАР ОНКОЛОГИЯСИДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун Соғлиқни сақлаш соҳаси сиёсатини шакллантиришда илмий-тадқиқотлар далилларидан фойдаланиш масаласи бўйича Европа тармогининг (EVIPNet) онлайн-семинарини ташкил қилди. Унинг мақсади — болалар онкологияси соҳасида аъзо-давлатларнинг соғлиқни сақлаш сиёсатини шакллантиришдаги салоҳиятини кучайтириш бўлди.

Болалар онкологияси соҳасидаги ютуқлари туфайли ушбу юқори даражадаги халқаро тадбирни қабул қилувчи томон сифатида Ўзбекистон танлаб олинган аҳамиятга молик. Семинарда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Баситханова ва ЖССТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Лианн Куппенс бошчилигидаги онкологик касалликларга чалинган болаларни даволаш билан шуғулланадиган нуфузли онкологлар, рентгенологлар, болалар гематологлар, олимлар ва бошқалар иштирок этишди.

Бундан ташқари, ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси офиси (Копенгаген)дан олиб борилган ушбу семинарда Россия

Федерацияси, Грузия, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва бошқа мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ҳам иштирок этдилар.

Тадбирда айтилишича, болалар онкологик касалликларига қарши курашиш борасида Ўзбекистонда бир қатор ташаббуслар амалга оширилмоқда. 2018 йилда мамлакатимиз болалар саратон касалликлари муаммоси бўйича БМТ лойиҳасини амалга оширишда биринчилардан бўлиб иштирок этди. Биргина ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистон халқаро даражадаги учта муҳим тадбирни ўтказди.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистонда халқаро стандартларга мувофиқ ишлайдиган бирлашган болалар гематология-онкология бўлими мавжуд Миллий болалар маркази ташкил этилди. Бундан ташқари, болалар онкологияси бўлимлари катталар онкологик диспансерларидан кўп тармоқли болалар марказларининг гематология бўлимларига ўтказилди, бу яқин келажакда минтақаларда мутахассислар етишмаслиги муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради ва беморлар учун энг яхши шароитларни яратишни таъминлаб беради.

Семинарда айтилишича, юртимизда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш марказининг Гематология ва трансфузиология ҳамда Онкология кафедрасида болалар гематология-онкологияси бўйича интеграциялашган курс ишлаб чиқилди; мавжуд ресурсларни таҳлил қилиш ва йўналишни янада ривожлантириш учун зарур бўлган мутахассислар, ускуналарни аниқлаш учун ҳудудларни хариталаш бўйича лойиҳа ишга туширилди. Хариталаш натижалари асосида Ўзбекистонда болалар саратонига қарши

курашнинг миллий режасини тузиш кўзда тутилган. Виртуал семинар Ўзбекистоннинг мақсадли жамоаси учун жорий йилнинг 4 ноябрига давом этадиган бир қатор сессиялардан иборат бўлади. Жамоа таркибига эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимлари, юртимизнинг нуфузли онкологлар, рентгенологлар, болалар гематологлар, педиатрлар, олимлар, врачларнинг малакасини ошириш соҳаси вакиллари ва бошқалар киритилган. Бунда иштирокчиларнинг соғлиқни сақлаш сиёсатини шакллантиришда далилларни баҳолаш, синтез қилиш/умумлаштириш ва амалда қўллаш бўйича билим ва кўникмалари оширилади. Вебинарлар сериясининг якуний маҳсулоти сифатида мақсадли Ўзбекистон миллий жамоаси ёрдамида Болалар саратонига қарши курашиш бўйича сиёсатни шакллантириш учун таҳлилий шарҳ ишлаб чиқилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Самарқандда Корейнинг Чилькок шифохонаси билан ҳамкорликда тажриба алмашув маркази ташкил этилади

Корея Республикаси Президенти Мун Чже Иннинг 2019 йилда юртимизга ташриф доирасида Самарқанд давлат тиббиёт институти қошидаги биринчи ва иккинчи клиникалар ҳамда Корейнинг Кенбук миллий университети Чилькок шифохонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Яқинда Кенбук миллий университетининг шифохонаси раҳбарияти томонидан Самарқанд вилояти соғ-

лиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига мактуб келди.

Унда Корея томони меморандум доирасида соғлиқни сақлаш тизими бўйича ҳамкорликни давом эттиришни қўллаб-қувватлашни билдириб, Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникасида тажриба алмашув ва ҳамкорлик маркази ташкил

этиш таклифини илгари сурган. “Ушбу марказ халқаро ҳамкорлик соҳасида, шунингдек, тиббий таълим ва тадқиқотлар йўналишида, Самарқанд аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишда икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади”, дейилади мактубда.

Корейлик ҳамкорлар ушбу мактуб билан бирга самарқандлик тиббиёт ходимларига коронавирусга қарши курашишда зарур бўладиган тиббий асбоб-ускуна ва воситалар, кийимлар ҳам юборди.

Ў.А.

ИЧКИ АЪЗОЛАР КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Форум

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ва Ўзбекистон терапевтлар ассоциацияси ҳамкорлигида 2020 йилнинг 25-26 сентябрь кунлари Тошкентда "Ички касалликларнинг долзарб муаммолари" мавзусида терапевтларнинг халқаро форуми онлайн тарзда ўтказилди.

Мақсуд форумда мамлакатимиз олимлари, шунингдек, хорижий давлатлардан мутахассис-олимлар иштирок этди. Новосибирск Давлат тиббиёт университети ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, профессор М. Осипенко, Украина Тиббиёт Фанлар Миллий Академияси "Академик Н. Стражеско номидаги кардиология институти" ДМ нокоронар юрак касалликлари, ревматология ва терапия бўлими профессори Г. Проценко, Санкт-Петербург Давлат университети тиббиёт факультети "Кардиология" илмий-клиник ва ўқув марказининг атеросклероз бўлими мудири профессор В. Гуревич, Украина ҳарбий тиббиёт академиясининг терапия кафедраси профессори М. Селюк, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Федерал Давлат бюджет олий таълим муассасаси А. Евдокимов номидаги Москва Давлат тиббиёт - стоматология универси-

тети ўқув ва тарбиявий ишлари проректори ва клиник функционал диагностика кафедраси мудири, профессор Ю. Васюк, Табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Россия Фанлар Академияси Марказий клиник касалхонаси илмий-ўқув маркази раҳбари, тиббиёт фанлари доктори Е. Аверин, А. Богомолец номидаги Миллий тиббиёт университети клиник фармакология ва клиник фармация кафедраси профессори Л. Пинский, Жанубий Урал Давлат тиббиёт университети ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири, профессор И. Шапошник, Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Федерал Давлат бюджет олий таълим муассасаси А. Евдокимов номидаги Москва Давлат тиббиёт-стоматология университети ички касалликлар пропедевтикаси ва гастроэнтерология кафедраси доценти, Ю. Курьявильлар долзарб мавзуларда маъруза қилдилар.

Форумда кардиология, гас-

роэнтерология, пульмонология, ревматологиянинг долзарб масалалари бўйича 11 та маъруза тақдим этилди. Жумладан: "Жигар стеатози синдроми ортида нима яширинган", "Остеоартрит: яллиғланишга қарши даволаш тайинланишидаги ёндашувлар"; "Резидуал хавфни пасайтириш мақсадида аралаш дислипидемияли беморларни олиб бориш стратегияси", "Юқори юрак қон томир хавфи бор беморларни даволашга замонавий ёндашув"; "Оилавий шифокор амалиётида ошқозон ости беши етишмовчилиги"; "Артериал гипертензия бўйича клиник тавсиялардаги фиксацияланган комбинациялар: нимани танлаш?"; "Суринкали гастритдаги фитна"; "Артериал гипертензия ва бош айланиши бор беморларда артериал босимнинг мақсадли даражаларига эришиш"; "Саратонни олдини олиш нуктаи назарида гастроэзофагеал рефлюкс касаллигини даволаш"; "COVID-19 шароитида пастки нафас йўллари инфекциялари"; "Жигар сурункали патологиясининг COVID-19 кечиши ва даволанишига таъсири". Маърузаларда ички органлар патологиясини ташхислаш ва даволашда замонавий ва инновацион



ёндашувлар каби масалаларга ҳам катта эътибор қаратилди.

Тақдирлаш муҳимки, форумда терапевтлик йўналишидаги шифокорлар, худудлардан терапевт, кардиолог, гастроэнтеролог, пульмонолог, ревматолог, нефролог ва умумий амалиёт шифокорлари иштирок этишди. Илмий материаллар тўпламида хорижий ва Ўзбекистонлик олимларнинг 243 та тезислари ўрин олди. Тақдим этилган тадқиқотлар терапевтлик касалликларнинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар артериал гипертензия, липид метаболизми бузилиши, юрак ишемик

касаллиги, сурункали юрак етишмовчилиги, буйрак, ошқозон-ичак ва нафас олиш касалликлари, ревматологик касалликлардан иборатдир. Форум материаллари Олий Аттестация Комиссияси рўйхатида киритилган "Ўзбекистон терапевтлик Ахборотномаси" илмий-амалий журналида чоп этилди.

Албатта, бундай нуфузли даражада ўтказилган форум соҳа мутахассисларининг илмий салоҳият йўлидаги фаолиятларини, шу билан бирга, тажриба ва маҳоратларини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ибодат СОАТОВА.

ОТКРЫТ УЧЕБНО-ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ ШВЕЙНЫЙ КЛАСС «КЕЛАЖАК НУРИ»

Общественный фонд Ибн Сино и его партнеры, в целях реализации "Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг." провели комплексную благотворительную акцию для воспитанников специализированной школы № 52 Яшнабадского района города Ташкента.

6 октября года в указанной школе прошла церемония открытия первого учебно-профессионального швейного класса "Келажак нури", где школьники будут проходить профессиональное обучение и в последующем получают специализацию – "швея", "портниха".

В благотворительной акции приняли участие информационный партнер Фонда – Информационное агентство

"UzReport", представители Министерства народного образования, Агентства по делам молодежи, демократической партии "Миллий тикланиш", Ассоциации инвалидов Узбекистана.

Пилотный проект – класс "Келажак нури" в рамках гранта делового партнера ООО "IFT Innovation" – "Адаптация детей с ограниченными возможностями к жизни: профессиональная ориентация", оборудован Общественным фондом Ибн Сино.

В рамках данного проекта были приобретены 6 швейных машин, 1 машинка-оверлок и 1 машина для вышивания, а также приобретены необходимые швейные принадлежности. Партнер Фонда – ООО "Zamona Rano" безвозмездно передал лечебные фиточаи из лекарственных растений.

Следует отметить, что Фонд Ибн Сино, являясь представителем гражданского общества, на протяжении уже 5-6 лет активно привлекает государственный и коммерческий сектор для реализации актуального социального проекта на базе данной специализированной школы. В частности, высококвалифицированные специалисты Ташкентс-

кого института усовершенствования врачей (психиатры, невропатологи, офтальмологи, терапевты, кардиологи, гинекологи, ортопеды-травматологи, детские стоматологи, отоларингологи, урологи, эндокринологи) постоянно вносят значимую лепту, поддерживают благотворительные акции Фонда Ибн Сино и сами непосредственно участвуют в них. Для школьников организовываются познаватель-

ные экскурсии по историческим достопримечательностям Ташкента. Принимая во внимание успешную практику Фонда Ибн Сино по социальному партнерству, в рамках открытия швейного класса "Келажак нури", участниками акции был инициирован челендж для крупного и среднего бизнес-сообщества, а также других общественных организаций по созданию аналогичных современных учебно-профессиональных классов для детей с ограниченными возможностями.

Нозимхон МАХМУДОВ,
Председатель правления
Общественный фонд
Ибн Сино.

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 304-сонли қарорига мувофиқ академик Ё. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази 2021 йил учун таянч докторантурага (PhD) ва докторантурага (DSc) 14.00.03-Эндокринология ихтисослиги бўйича

танлов эълон қилади.

Таянч докторантура (PhD) ва докторантура(DSc)га қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

1. Ариза;
2. Паспорт нусхаси, расм 3x4 (4 дона);
3. Қисқача биографик маълумотнома (объективка);
4. Олий таълим муассаса магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси;
5. Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
6. Нашр этилган илмий ишлар рўйхати (3,4 шаклда) ва уларнинг нусхалари;
7. Танланган илмий иш мавзуси;
8. Илмий раҳбарнинг розилик хати;
9. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиш мумкин бўлган натижалар бўйича илмий журналларда камида 1та илмий мақола ва 2 тадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган тезисларга эга бўлган мақолалар. Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун 3 та илмий мақола ва 2 та тезис бўлиши керак

Ҳужжатлар 2020 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ДМ фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун таянч докторантурага талабдорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисида

танлов эълон қилади.

Ҳужжатлар 2020 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади (online phd.mininnovation.uz тизимида регистрация ўтиш орқали) Ички касалликлар (14.00.05) (1 ўрин), Кардиология (14.00.06) (2 ўрин) мутахассисликлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун таянч докторантурага қабул учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- Ариза;
- Паспорт нусхаси;
- Маълумотнома;
- Олий таълим диплом нусхаси;
- Магистр ёки клиник ординатура дипломи;
- Иш жойидан тавсифнома;
- Меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- Нашр этилган илмий ишлар рўйхати - 3.4-шакл (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосида ташкил қилиши мумкин бўлган муайян илмий натижаларга, шу жумладан, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарларда, тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш).

Манзил: 100084, Тошкент ш., Осиё кўчаси, 4-уй
www.therapy.uz

Мутахассис фикри

КОРОНАВИРУС БИЛАН ГРИППНИНГ ФАРҚЛИ
АЛОМАТЛАРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Коронавирус-га қарши курашиш штаби аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди Севара УБАЙДУЛЛЕВА билан суҳбат.

– **Коронавирус билан гриппни қандай фарқлаш мумкин?**

– Коронавирус ва гриппнинг бир-биридан ажратувчи бир неча белгилари мавжуд. Жумладан, касалланган бемор билан мулоқотда бўлсангиз, грипп касаллигининг яширин даври 5-7 кун, коронавирუსнинг яширин даври эса 2-14 кун.

Икки касаллик ҳам тумов, кўз ёшланиши, бурун оқиши, акса уриш, тана ҳароратини кўтарилиши билан кечади.

Лекин грипп касаллигида:

*умумий белгилар 1-3 кун-

гача бўлади. Енгил даражасида тана ҳароратининг 38 С дан юқори бўлиши бир марта кузатилади, 3-кундан бошлаб бемор аҳволи яхшиланишни бошлайди;

* гриппнинг оғир кечувида, агарда касаллик бронхлар ва ўпкаларни жароҳатлаган бўлса,

унда грипп оқибатида кузатилган тана ҳарорати 5 кундан ортиқ ҳам 38 С дан юқори бўлиши мумкин, ундан кўп муддат кузатилмайди. Грипп касаллигида йўтал биринчи 3-4 кун қуруқ,

сўнгра эса балғамли бўлади ва даволашда асосий мақсад бал-

ғамни парчалаш ёки кўчиришга кўмаклашидир;

* грипп касаллигида пневмонияда ўпканинг яллиғланиши касалликнинг реабилитация жараёнида қайта тикланиши мумкин. Грипп касаллиги фақат юқори ва пастки нафас йўллари зарарлайди. Грипп касаллигида асаб тизимининг жароҳатланиши кузатилмайди.

Коронавирус касаллигида эса:

* умумий белгилар 1-3 кун кузатилади, тана ҳарорати енгил кечувида 38 С даражага бир марта кўтарилади. Сўнгра 37 даражада бўлади. Енгил кечувида тўғри давони сақлаган ҳолда олиб борилса, бемор

аҳволи касалликнинг 5-7 кунларида яхшиланиб боради;

* касалликни оғир кечувида эса, 8-кундан бошлаб тана ҳарорати 39-40 даражагача кўтарилади. Умумий ҳолсизлик кучаяди, қуруқ йўтал зўраяди, нафас етишмовчилиги, яъни ҳансираш ҳам кучаяди. Коронавирусда йўтал балғамсиз бўлади ва у касалликни кечувида боғлиқ ҳолда 2-3 ҳафтадан 1,5 ойгача кузатилиши мумкин;

* коронавирусдаги йўтални даволашда кўпроқ нафас машқларини ўтказиб, алвеолаларнинг фаолиятини тўлиқ таъминлаш билан организмнинг тўқима ва ҳужайраларига кислород таъминотини тиклашга қаратилган

бўлади;

* коронавирус касаллигининг оғир ва ўта оғир кечувида ўпкалар интерстицияси, алвеолаларнинг фиброз тўқима билан қопланиши ойлар давомида тикланиши ёки маълум қисми умуман тикланмаслиги ҳам мумкин;

* коронавирус касаллигида инсон организмнинг бир неча аъзолари (нафас аъзолари, ошқозон ичак тизими аъзолари, юрак қон томир тизими аъзолари, буйрак тизими, эндокрин безлар тизими, марказий ва периферик асаб тизими касалликлари жароҳатланади. Айниқса, асаб тизими ва руҳиятнинг зарарланиши кузатилади.

КОРОНАВИРУС ЁКИ ГРИППДА ТУРЛИ
АНТИБИОТИКЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

– **Коронавирус ёки гриппга чалинганда тезроқ тузалиш мақсадида антибиотикларни ўз билганича қабул қилиш тўғрими?**

– Нотўғри. Гриппда ҳам, коронавирусда ҳам касаллик чақирувчиси вирусдир. Бу икки касалликда хасталикнинг бошланишидан антибиотикларни қабул қилиш икки касалликнинг ҳам асоратланишини келтириб чиқаради.

Антибиотиклар ҳеч қачон ви-

русларга таъсир қилмаган, уларнинг таъсирида организм учун керакли бўлган микроорганизмлар ҳалок бўлади. Қонда керакли микроорганизмлар парчаланишини ва организмдан чиқиб кетишини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, инсон организмда иммунитет ҳолатни келтириб чиқаради ва организмга қўшимча бошқа инфекциялар қўшилган ҳолда бошқа оқумли касалликлар ривожланишини келтириб чиқаради.

– **Антибиотикларни қабул**

қилишнинг меъёр ва тартиб-лари борми?

– Албатта, антибиотиклар тартиб билан ўз ўрнида қўлланилиши керак. Антибиотикларни тавсия қилиш учун, инсон организмнинг сувоқликларидан бактериологик эзмага топширилади. Унинг натижасида ўсиб чиқадиган инфекцияга қарши таъсир этувчи антибиотик тури белгиланганига қараб антибиотикларнинг аниқ бирини тавсия қилиш мақсадга мувофиқдир.

Тўғри, бактериологик экмалар жавобининг чиқиши 4-5 кунни ташкил қилади. Ушбу даврга қадар, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳар бир касалликда эмперик ҳолатда биринчи 3-5 кунга тавсия этиладиган антибиотиклар рўйхати мавжуд. Уларни бирламчи тавсия этган ҳолда, кейин эса, айнан бактериологик эзма жавобига асосан мақсадли антиотиклар тавсия қилиниши, инфекцияга тўғридан тўғри даво чораси ҳисобланади.

Шу ўринда грипп ёки коронавирус касалликларида қачондан бошлаб антибиотикларни қабул қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Агарда касалликнинг ўткир даври 5-7 кун ўтганидан сўнг, яна қайта иситма кўтарилса, унда қонда лейкоцитоз, с-реактив оқсилнинг юқорилиги кузатилса ва бактериологик эзмада бактериялар ўсиб чиқса, шу вақтда антибиотикларни тавсия этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

КОРОНАВИРУСГА ГУМОН ҚИЛИНГАНДА ЎПКАНИ
КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАММАСИ ҚИЛИШ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

– **Коронавирусга гумон қилинганда ўпкани мультиспирал компьютер томограммаси қилиш қанчалик муҳим, унинг организмга зарарли томонлари йўқми?**

– Коронавирусга гумон қилинган касаллик аломатларини биринчи кундан ўз оилавий шифокорларига мурожаат қилишлари керак. Шифокорлар беморнинг шикоят, умумий кўруви,

эпидемиологик анамнезидан келиб чиққан ҳолда касалликни тасдиқлаш учун қўшимча текширувлар буюради. Бундай ҳолатлар нафақат коронавирусга гумон қилинганлар, балки инсон ўзида қандайдир касаллик аломатини сезиши билан, биринчи кунларданок мурожаат этишлари керак.

Энди мультиспирал компьютер томограммасига келсак, биз унутмаслигимиз керак, бу инсон орга-

низмига қандайдир микдорда бўлса ҳам нурланиш беради, тўғри у нурланиш дозаси назорат этилади, лекин қайта қайта МСКТга тушиш ҳам хавфли. Айниқса, агарда касалликни илк кунларида МСКТга тушсангиз унда деярли ўзгариш кузатилмаса, кейин аниқ касаллик аломатлари кучайганидан сўнг, бир ёки икки ҳафта оралигида МСКТга яна тушишингиз керак бўлади. Бундай ҳолатларда нурланиш кўпаяди, имкон қадар МСКТга қайта тушиш учун орада камиди икки ой ўтиши лозим.

МСКТни мақсадли қўллаш борасида гаплашадиган бўлсак, бунда коронавирусни организмга таъсири ва кечуви жараёнини гапириш билан тушунтириб бераман. Коронавирус ўпкани жароҳатлаши касалликнинг илк кунларидан бошлайди. Ташхис қўйиш учун касалликни биринчи кунларида МСКТни ўтказиш мумкин. Лекин бу жараёнда ҳали касалликнинг илк кунлари бўлгани боис, ўпканинг фиброз жароҳатланиши кузатилмаган бўлади, айтиб ўтганимиздек, фақатгина вирусли яллиғланиш жараёни намоён бўлади, холос. Нима учун, буни тўлиқ га-

пирмоқдаман, сабаби, кўпгина юртдошларимиз шифокорга мурожаат этмасданок касалликнинг илк кунларида МСКТдан ўзлари мустақил ўтадилар, МСКТда фиброз жароҳатланиш деган ёзувни кўрмайдилар ва менда жароҳатланиш йўқ экан деган янглиш фикр билан, хаттоки шифокорга ҳам бормади қўядилар ва ўз иммунитетим билан тузалиб кетаман деган фикр билан даволанмайдилар ҳам.

Коронавирус шунчалик айёр вируски, у биринчи 5-7 кун шимоллаш аломатини олади, шу даврда унчалик кучли белгиларни юзага чиқармайди, тана ҳарорати бир ёки икки марта 38 даражадан юқори бўлади, бир ёки 2-3 кун диарея кузатилади, 4, 5, 6 кунлар инсонда касаллик аломатлари тузалаётгандек бўлади. Айнан 7-10 кунларда яширин аутоиммун жараён бошланади. Унда йўтал пайдо бўлади ва у кун сайин кучайиб боради, ҳансираш қўшилади, баъзиларда бирданига тана ҳарорати 39 ва 40 даражагача кўтарилади, ҳолсизлик ва мушаклар, бўғимлардаги оғриқлар кучайиб боради. Шундай ҳолатда

МСКТ текшируви жуда муҳим, айнан шу даврда қон қуюлиш элементларини ўрганиш жуда муҳим. Яъни, қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий таҳлили ва пешоб, керак бўлса, ахлатнинг умумий таҳлилларини ўтказиш керак. Ушбу текширувлар натижасига кўра, қон сувоқтирувчи дори воситалари, Глюкокортикоидлар, антибиотикларни қўллаш мумкин.

Кўриб турибсизки, касалликнинг айнан 7-10 кунларида ўпкада фиброз жароҳатланишлар кўринар экан. Шу боис, МСКТга касалликни биринчи аломатлари пайдо бўлган даврда бориб, ҳам маблағ кетказиб, ҳам вақтни кетказиб, кейин эса янглиш хулосалар билан ўз аҳолининг ёмонлаштирманг. Касалликни биринчи аломатлари бошланиши билан оилавий шифокорингизга мурожаат этинг, уларнинг тавсияларига кўра, ўз вақтида дори воситаларини қабул қилинг, текширувлардан ўтинг.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими.

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371) 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 1032 нусха.
Буюртма Г-1050.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмаҳонага топшириш вақти – 20.00.